

## Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллигида амалга оширган ишлари юзасидан

### АХБОРОТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси<sup>1</sup> 2022 йил биринчи ярим йиллигида ўз фаолиятини қонунчиликда белгиланган ваколатлари ва юклатилган вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳамда Комиссиянинг 2021 йил 29 декабрдаги 1158-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режасига асосан ташкил этди ва амалга оширди.

Марказий сайлов комиссиясининг 2022 йил биринчи ярим йиллигидаги фаолияти қуйидаги устувор йўналишлар бўйича олиб борилди:

- умум эътироф этилган халқаро сайлов стандартлари, халқаро кузатувчилар тавсиялари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлиллари асосида сайлов қонунчилиги ва сайлов амалиётини такомиллаштириш;

- сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш масалаларида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, хорижий давлатлар тажрибасини ва халқаро амалиётни ўрганиш, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар сайлов органлари билан ҳамкорликни кенгайтириш;

- сайлов ташкилотчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

- сайлов жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий қилиш;

- Марказий сайлов комиссияси фаолияти самарадорлигини ошириш, Котибияти тузилмаси ва фаолиятини такомиллаштириш;

- Марказий сайлов комиссияси фаолияти, сайлов жараёнларининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш ва аҳолининг электорал маданиятини юксалтириш;

- маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий йўналишлари ва 2022 йилдаги устувор вазифаларидан келиб чиқиб, 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида 10 та бўлим ва 66 та банддан иборат Тадбирлар режаси амалга оширилиши таъминланди.

---

<sup>1</sup> Матнда “Марказий сайлов комиссияси” ўрнига “Комиссия” ва “МСК” қисқартмалари ҳам қўлланилади.

Биринчи ярим йилликда Комиссиянинг 7 та мажлиси ўтказилиб, кун тартибидаги масалалар бўйича 16 та қарорлари қабул қилинди.

МСК мажлисларида сайлов жараёнлари ва сайлов қонунчилигини қўллаш амалиётини ўрганиш натижалари, маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари фаолиятини такомиллаштириш, сайлов жиҳозларининг жойларда сақланишини таъминлаш, 2022 йил биринчи ярим йилликка мўлжалланган иш режаси ижросининг таҳлили, референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини тартибга солиш, референдум ташкилотчиларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш каби масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутати ҳамда Олий Мажлис Сенати айрим аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тугатиш<sup>2</sup> ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари билан тайинланган Сенат аъзоларини рўйхатга олиш<sup>3</sup> масалалари кўриб чиқилди.

МСКда кадрлар салоҳиятини ошириш, уларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, ходимларни хизмат сафарига юбориш ва ваколатга доир бошқа масалалар юзасидан Комиссия Раисининг 87 та фармойишлари қабул қилинди.

**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари билан ишлаш, Марказий сайлов комиссиясининг ҳуқуқий ҳужжатларини тизимлаштириш йўналиши.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури”нинг 27 ва 28-бандларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан қуйидаги лойиҳалар ишлаб чиқилди:

- “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлиги ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони;

- “Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори;

- “Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг Ягона электрон рўйхатини юритиш ва уни долзарблигини таъминлаш тизимини янада

<sup>2</sup> Сенат аъзоларининг 2 нафари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонларига мувофиқ бошқа раҳбарлик лавозимларига тайинланганлиги, 1 нафари ўз ваколатини зиммасидан соқит қилиш тўғрисидаги аризасига мувофиқ, 1 нафари вафот этганлиги муносабати билан ваколатлари муддатидан илгари тугатилди.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 февралдаги ПФ-80-сон Фармонида асосан Г.М.Маъруфова ҳамда 2022 йил 1 мартдаги ПФ-85-сон Фармонида асосан З.Б.Махкамova Сенат аъзоси этиб рўйхатга олинди.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори.

Лойиҳалар бўйча тегишли келишувлар амалга оширилди ва улар белгиланган тартибда кўриб чиқиш учун киритилди.

Илғор хорижий тажрибанинг миллий қонунчилик ва амалиётга мос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, Комиссиянинг Регламенти ва Котибият тўғрисидаги низомнинг янги таҳрирдаги лойиҳалари ишлаб чиқилди ҳамда юқорида қайд этилган МСК фаолиятини такомиллаштиришга доир ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг кўриб чиқилиши режалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси ва “Ўзбекистон Республикасининг референдум тўғрисида”ги қонуни нормаларини ўзаро мувофиқлаштириш, мавжуд бўшлиқларни тўлдириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва ўрнатилган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилди. “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-779 сонли қонун 2022 йил 16 июнда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Референдум округлари ҳамда референдум ўтказувчи округ комиссиялари тўғрисидаги ва Ўзбекистон Республикаси Референдум участкалари ҳамда участка комиссиялари тўғрисидаги низомлар, Референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан ташкилий тайёргарлик ишлари олиб борилаётганлиги муносабати билан юқоридаги йўриқнома негизида “Ўзбекистон Республикасининг референдумига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ҳамда маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Шунингдек, референдум жараёнларига оид хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан қатнашадиган кузатувчилар тўғрисида, чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида референдум ўтказувчи участка комиссияларини ташкил этиш тўғрисида, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар тўғрисида, оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисидаги низомлар лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Сайловларни қонун талабларига тўла мос равишда ўтказиш, ягона ҳуқук амалиётини қўллаш ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссияларининг намунавий регламенти лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ҳисобот даврида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилди ва улар бўйича Марказий сайлов комиссиясининг хулосалари тақдим қилинди:

- “Жиноят-процессуал кодекси”нинг янги таҳрирдаги лойиҳаси;
- “Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари тўғрисида”ги Республикасининг Конституциявий қонун лойиҳаси;
- “Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари регламенти тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;
- “Давлат органлари билан муносабатларда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг самарали ҳимоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;
- “Жиноят кодекси”нинг янги таҳрирдаги лойиҳаси;
- “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори лойиҳаси;
- “Маъмурий-ҳудудий тузилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси;
- “Халқ депутатлари Кенгашига сайлов жараёнлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонуни лойиҳаси;
- “Самарқанд вилоятининг Оқдарё, Пастдарғом, Тойлоқ туманлари ва Самарқанд шаҳри мавжуд маъмурий-ҳудудий чегараларини ўзгартириш, Самарқанд шаҳри таркибида Қорасув, Суғдиёна, Сиёб, Боғишамол, Мароқанд туманларини ташкил қилиш ҳамда Самарқанд туманини тугатиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг қарорлари лойиҳаси.

**Сайлов жараёнлари ва сайлов қонунчилигини қўллаш амалиётини такомиллаштириш йўналиши.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларида юзага келган муаммолар ва камчиликлар таҳлил қилинди, умумлаштирилди ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тадбирлар ишлаб чиқилди. Ушбу таклиф ва тадбирлар келгусида сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш ва сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётида қўллаш учун ишчи тартибида маъқулланди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан 1, 4, 5 март кунлари “Бўшаб қолган ўринларга маҳаллий Кенгаш депутатлари сайловини ўтказишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги ўқув семинари ташкил этилди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Тошкент шаҳар, вилоятлар, туман (шаҳар) сайлов комиссиялари раиси, раис ўринбосари, котиби, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Аппарати раҳбари, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар) Кенгаши Котибияти мудирлари (жами 844 нафар) иштирок этди.

Ўқув семинар видеоконференция шаклида, тингловчиларнинг сайловга оид мавзулар юзасидан баҳс-мунозарага киришиши, ўз амалиётидан келиб чиққан ҳолда ечим ва таклифларини тақдим этиши заминида ўтди.

Ўқув семинар якуни бўйича маълумотнома, келиб тушган саволлар жадвали (26 та савол) ва муаммоли вазиятларни бартараф этиш юзасидан асосли таклифлар тайёрланиб, Комиссиянинг келгуси фаолиятига татбиқ этиш учун йўналтирилди.

Комиссиянинг ишчи гуруҳи томонидан март ойида Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида, апрель ойида Андижон, Наманган, ва Фарғона вилоятларида халқ депутатлари вилоят (туман ва шаҳар) Кенгашларига сайлов ўтказувчи сайлов комиссиялари томонидан Сайлов кодекси нормаларининг бир хилда қўлланилиши ҳамда маҳаллий Кенгашларнинг бўшаб қолган ўринларга сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш амалиётини, шунингдек сайлов жиҳозларининг сақланиши ҳолати ўрганилди.

Ўрганиш натижалари Комиссиянинг 31 май ва 15 апрель кунлари ташкил этилган мажлисларида атрофлича муҳокама қилинди, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва сайлов комиссияларнинг фаолиятини такомиллаштириш юзасидан амалий тавсиялар берилди ва МСКнинг қарорлари қабул қилинди.

Хорижий давлатларнинг парламент ва маҳаллий вакиллик органларга сайлов ўтказиш (можаритар, пропорционал, аралаш ва ҳоказо) тажрибаси, амалиёти ва қонунчилигини Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари ва Котибият ходимларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ўрганилди. Ишчи гуруҳнинг таҳлил қилинган ва умумлаштирилган маълумотлари асосида миллий сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилди.

**Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, сайлов тизими ва сайлов жараёнларини кенг ёритиш, жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш йўналиши.**

Комиссия аъзолари ва бўлим ходимлари ҳамкорлигида 2021 йил 24 октябрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунларига бағишланган ҳисоботи нашрга тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида олиб борилган ахборот кампанияси Комиссия ишчи гуруҳи томонидан атрофлича таҳлил қилинди ҳамда сайловларда ахборот-тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича ахборот стратегиясининг асослари ишлаб чиқилди.

Комиссия Матбуот хизмати самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати фаолиятини ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилди.

Комиссиянинг 2022 йил биринчи ярим йилликка медиа-режаси ишлаб чиқилди ва ижрога қаратилди ва унинг самарали ижроси таъминланди.

Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтига Комиссия аъзолари ва Котибияти бўлимлари томонидан маълумот ва ахборотларни жойлаштириш тартиби ва механизмларини ўз ичига олган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти тўғрисидаги низом Комиссия Раисининг 2022 йил 18 март кунидаги фармойиши билан тасдиқланди.

Ҳисобот даврида Марказий сайлов комиссияси расмий веб-сайтига Комиссия фаолиятига доир жами 163 та ахборот жойлаштирилди. МСКнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларига жами 848 та ахборот жойлаштирилди (YouTube видео хостингида – 35 та видео материал, Фейсбук ижтимоий тармоғида – 187 та пост, Инстаграм ижтимоий тармоғида – 144 та пост ва 120 та медиаҳикоя (story), Телеграм мессенжерида – 359 та пост). Шунингдек, YouTube видеохостинги ва Фейсбук ижтимоий тармоғи орқали МСК мажлислари жонли эфирга узатиб борилди.

Марказий сайлов комиссиясининг фаолиятини ёритиш юзасидан телеканалларда 20 га яқин, радиоканалларда 10 дан ортиқ, босма оммавий ахборот воситалари орқали 15 дан ортиқ ҳамда интернет нашрлари орқали 20 дан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Шунингдек, Матбуот хизмати томонидан янги лойиҳалар “Форматдан ташқари” кўрсатувининг 3 та сони, ижтимоий сўровнома тарзидаги “Шарҳ+” кўрсатувининг 2 та сони тасвирга олиниб, YouTube платформаси орқали эълон қилинди. Жумладан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) делегациясининг Тошкентга амалий ташрифи муносабати билан “Форматдан ташқари” кўрсатувининг махсус сонидида 2021 йилдаги Президент

сайловини кузатиш бўйича ДИИХБ Миссияси раҳбари Оуэн Мерфи иштирокида суҳбат ташкил этилди.

Шунингдек, Матбуот хизмати томонидан сайловлар тарихига оид ҳужжатли фильмни тасвирга олиш йўлга қўйилди ҳамда ҳозирги вақтда ҳужжатли фильм устида ижодий ишлар олиб борилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган Конституциявий ислохотлар юзасидан кенг жамоатчиликнинг фикрларини ўрганиш мақсадида Телеграм мессенжерида махсус гуруҳ ташкил этилди ҳамда унда Матбуот хизмати томонидан ахборот маконидан тўпланган ахборотлар жойлаштириб борилмоқда (2022 йил 12 июль ҳолатига 1 200 дан ортиқ материал жойлаштирилди).

Марказий сайлов комиссиясида давлат тилига доир қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, давлат тилини тарғиб қилиш ва ходимлар маънавиятини янада юксалтиришга оид “Йўл хариталари”нинг ижросини ташкил этиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Жумладан, Комиссия томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурлар, маърузалар, ташкил этилган семинар-тренингларга мўлжалланган материаллар, плакатлар, инфографикалар, матбуотда эълон қилинган мақолаларнинг давлат тили талабларига мослиги таъминланди. Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини лотин алифбосида юритилиши йўлга қўйилди, уларда давлат тилини тарғиб қилиш мақсадида сайлов жараёнига оид замонавий атамалар изоҳи жойлаштирилди.

**Марказий сайлов комиссияси фаолиятига ва сайлов жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш йўналиши.**

Комиссия Раисининг 2022 йил 1 мартдаги фармойиши билан Марказий сайлов комиссияси ҳузурида Сайлов жараёнини бошқариш ахборот тизимини янада такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ишчи гуруҳ томонидан СЯЭРни такомиллаштириш борасида хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди, СЯЭР ва СЖБАТнинг аввалги сайловларда қўлланиш амалиёти таҳлил қилинди ҳамда уларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ишчи гуруҳ томонидан тайёрланган таклифлар асосида Сайловчилар ягона электрон рўйхати ва Сайлов жараёнларини бошқариш ахборот тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирларни назарда тутувчи Президент қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳалари ишлаб чиқилди.

СЖБАТ дастурига киритилган халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари тўғрисидаги маълумотлар долзарблаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловлари ҳамда референдум ўтказилишини ҳисобга олган ҳолда Сайлов жараёнини бошқариш ахборот

тизимини такомиллаштириш бўйича техник талаблар ишлаб чиқилди ва улар асосида «UNICON.UZ» — «Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари» ДУК томонидан тегишли ишлар бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг очиклиги, шаффофлиги ва ҳисобдорлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги ПФ-154-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида, Марказий сайлов комиссияси расмий веб-сайтини такомиллаштириш бўйича техник талаблар ишлаб чиқилди.

“Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг Ахборот хавфсизлиги сиёсати лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли идора ва ташкилотлар билан келишилди.

### **Сайлов жараёнларига замонавий ўқув технологиялари ва услубий ёндашувларни татбиқ этиш йўналиши.**

Сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини ошириш концепциясининг ижросини таҳлил қилиш ва келгусида унинг самарадорлигини ошириш мақсадида 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлов кампаниясида сайлов комиссиялари аъзоларини ўқитиш учун жалб қилинган 10 нафар малакали экспертлар ва 56 нафар республика тренерлари билан онлайн мулоқот ўтказилди.

Муҳокама натижаларига кўра олинган таклифлар асосида Марказий сайлов комиссияси, Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълим вазирликлари билан ҳамкорликда, “Участка сайлов комиссиялари аъзоларининг фаолиятини самарали ташкил этиш” махсус курси бўйича Халқ таълим вазирлиги учун 10 соатлик ўқув дастури, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги учун 20 соатлик ўқув дастури ишлаб чиқилди ва профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида жорий этиш учун ушбу вазирликларга юборилди.

Профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларига жорий этиш учун мазкур ўқув дастури асосида қўшимча материаллар — нозорат саволлари билан бирга 10 та маъруза матни, 10 та тақдимот материаллари (слайд, инфографика, видеоролик) ва 557 та тест мажмуаси ҳам тақдим этилди.

Шунингдек, Молдова, Арманистон, Беларусь, Қозоғистон, Россия, Руминия, Туркия, Қирғизистон, Эстония, Малайзия, Жанубий Корея каби давлатлар Марказий сайлов комиссияларининг сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни танлаш, уларнинг доимий ягона базасини шакллантириш, уларни даврийлик принципи асосида мунтазам ўқитиш, ўқув машғулотлари, семинар-тренинглар ўтказиш бўйича тажрибалари атрофлича ўрганиб чиқилди.

Натижада салмоқли ҳажмда таҳлилий маълумот тайёрланди ва унга асосан Комиссия Ўқув маркази фаолиятини мақбуллаштириш, замонавий ўқув технологияларини ҳамда доимий ўқув тизимини жорий этиш бўйича асослантирилган таклифлар ишлаб чиқилиб, раҳбариятга тақдим этилди. Ушбу таклифлар Марказий сайлов комиссияси тузилмасини янада такомиллаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони лойиҳасида ўз аксини топди.

Референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш, референдум жараёнлари иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини тўғри ташкил этиш мақсадида Референдум ўтказувчи комиссиялар аъзоларининг малакасини оширишни ташкил этиш концепцияси ишлаб чиқилди ва Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 28 июлдаги қарори билан тасдиқланди.

Ушбу Концепциянинг ижросини самарали ташкил этиш учун Марказий сайлов комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Судьялар олий мактаби, Жамоат хавфсизлиги университети, Бош прокуратура академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Божхона институти ўртасида ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишуви имзоланди.

### **Халқаро ҳамкорлик йўналиши.**

Ҳисобот даврида Марказий сайлов комиссиясининг халқаро ҳамкорлари – Парламент тадқиқотлари халқаро маркази (ICPS), Европа сайлов ташкилотчилари уюшмаси (ACEEEO), Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (A-WEV), Сайлов тизимлари халқаро фонди (IFES), АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA), Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA), Бирлашган миллатлар ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД) ҳамда хорижий давлатлар сайлов органлари билан ўзаро ҳамкорлиги самарали давом эттирилди. Хусусан:

**3 февралда** – Европа сайлов ташкилотчилари уюшмаси (ACEEEO) томонидан ўтказилган “Бутунжаҳон сайлов куни 2022” мавзусидаги тадбирда МСК вакилларининг онлайн иштироки таъминланди.

**9 февралда** – МСК мутасадди вакиллари ва Сайлов тизимлари халқаро фонди IFES экспертлари иштирокида онлайн учрашув ўтказилиб, ўзаро ҳамкорликнинг истиқболлари муҳокама қилинди.

**16 февралда** – Парламент тадқиқотлари халқаро маркази (ICPS) томонидан ўтказилган “Сайлов технологияларидаги инновациялар: 2030-йилларда технологиядан фойдаланиш қандай кўринишга эга бўлади?” мавзусидаги тадбирда МСК Халқаро ҳамкорлик бўлими ва Ахборот-

коммуникация технологиялари бўлими бошлиқларининг онлайн иштироки таъминланди.

**21-23 февраль кунлари** – Марказий сайлов комиссияси, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (IFES) ҳамкорлигида “Тенг ҳуқуқлилиқ: имконияти чекланган шахсларнинг сайлов жараёнларида иштироки” мавзусида ўтказилган семинар-тренингда МСК аъзолари, Котибият ходимлари ва мамлакатимизнинг бир қатор ногирон фуқаролари нодавлат ташкилотлари вакилларининг иштироки таъминланди.

**23 февралда** – Марказий сайлов комиссиясида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈКА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари билан учрашув ўтказилди. Унда Япония халқаро ҳамкорлик агентлигининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари Такамура Ёшимаса, Омори Шун, Шарифзода Шарипов, Марказий сайлов комиссияси томонидан раис ўринбосари Б.Кучкаров, комиссия аъзоси Г.Рахимова, бўлими бошлиғи М.Алимбаев иштирок этди. Учрашувда ўзаро ҳамкорликнинг истиқболлари муҳокама қилинди.

**24-28 февраль кунлари** – Беларусь Республикаси Марказий сайлов комиссияси таклифига биноан Беларусь Республикаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўтказилган Республика Референдумида МСК аъзолари С.Курбанкулов, Г.Рахимова, Б.Юнусов иштироки таъминланди.

**2 март куни** – Марказий сайлов комиссиясида Раис З.Низамходжаев раҳбарлигидаги МСК вакиллари Корея Республикаси халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОІСА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари билан учрашув ўтказди. Музокаралар давомида келгуси сайлов жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини янада ривожлантириш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва халқаро ташкилотлардан сайлов ва сайлов қонунчилиги бўйича юқори малакали мутахассис ва экспертларни жалб қилган ҳолда тажриба орттириш мақсадида ўқув-семинарлари ташкил этиш ҳамда томонлар ўртасида истиқболдаги ҳамкорлик лойиҳалари атрофида муҳокама қилинди.

**2-3 март кунлари** – МСК, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (IFES) ҳамкорлигида Марказий сайлов комиссияси вакиллари учун ташкил этилган “Сайлов жараёнларини бошқариш” мавзусидаги ўқув машғулотида МСК Раиси, раис ўринбосари, комиссия аъзолари ва Котибият ходимларининг иштироки таъминланди.

**7 март куни** – Ҳиндистон Республикасининг Панжоб, Манипура, Гоа, Уттарханд ва Утар-Прадеш штатларининг қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларни МСК аъзоси С.Курбанкулов, бўлим бошлиқлари М.Сатаев ва М.Алимбаевлар онлайн кузатишда иштирок этди.

**9 март куни** – Корея Республикаси Марказий сайлов органи таклифига биноан МСК аъзоси А.Ибодуллаев, Котибият бўлим бошлиғи М.Сатаев ва

етақчи маслаҳатчиси И.Убайдуллаева Корея Республикаси Президенти сайловини онлайн шаклда кузатишда иштирок этди.

**9-10 март кунлари** – МСК, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (IFES) ҳамкорлигида ташкил этилган “Сайлов соҳаси бўйича етакчилик” мавзусидаги семинар-тренингда МСК раис ўринбосари, комиссия аъзолари ва Котибият ходимлари иштирок этди.

**10-13 март кунлари** – Туркменистон Марказий сайлов ва референдум комиссияси таклифига биноан Туркменистонда ўтказилган Президент сайловида МСК Раиси З.Низамходжаев, комиссия котиби Х.Маматов ҳамда бўлим бошлиғи М.Алимбаев иштироки таъминланди.

**23 март – 2 апрель кунлари** – Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси (А-WEV) томонидан Демократик давлатларда сайловларни халқаро сайлов стандартларига мувофиқ очик ва ошқора ташкил этиш ва ўтказишга қаратилган ўқув машғулотларида МСК Котибияти ходимларининг онлайн иштироки таъминланди.

**31 март куни** – МСК ва Сайлов тизимлари халқаро жамғармаси (IFES) ҳамкорлик иш режаси доирасида “Имконияти чекланган сайловчиларни сайловга янада самарали жалб этиш бўйича қўшма чора-тадбирлар” мавзусида онлайн конференция бўлиб ўтди. Тадбирда Марказий сайлов комиссияси аъзолари, МСК Котибияти масъул ходимлари, Ўзбекистон ногиронлар уюшмаси ва жамияти, Кўзи ожизлар, Карлар жамиятлари ва уларнинг ҳудудий идоралари вакиллари иштирок этди.

**30 март – 6 апрель кунлари** — ЕХХТ ДИИХБнинг мурожаатига асосан Венгрия парламент сайлови ва Референдумида Ўзбекистон делегациянинг Венгрияга Республикасига ташрифи бўлиб ўтди.

**5-11 май кунлари** – Филиппин сайлов комиссияси ва Осиё сайлов органлари ассоциациясининг таклифига асосан МСК раис ўринбосари Б.Кучкаровнинг Филиппин Республикасига ташрифи бўлиб ўтди.

**5 июнь куни** – Қозоғистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўтказилган Республика референдумида МСК Раиси бошчилигида делегация иштирок этди.

МСК ва хорижий давлатларнинг сайлов органлари билан икки тарафлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш бўйича учрашувлар ва мулоқотлар ўтказилди. Хусусан:

**26 февраль куни** – Марказий сайлов комиссияси аъзолари Г.Рахимова, С.Курбанкулов ва Б.Юнусов Беларусь Марказий сайлов комиссияси Раиси И.Карпенко ва МСК котиби Е.Балдовская;

**11 март куни** – Марказий сайлов комиссияси Раиси З.Низамходжаев ва Котибият раҳбари Х.Маматов Туркменистон Сайлов ва референдумлар ўтказиш марказий комиссияси Раиси Гулмурат Мурадов;

**7 май куни** – Марказий сайлов комиссияси раис ўринбосари Б.Кучкаров Филиппин сайлов органи Раиси Сидамен Пангарунган;

**5 июнь куни** – Марказий сайлов комиссияси Раиси З.Низамходжаев ва Котибият бўлим бошлиқлари Р.Камилов, М.Алимбаев ва М.Сатаев Қозоғистон Марказий сайлов комиссияси Раиси Н.Абдиров билан мулоқот олиб бордилар.

### **Мурожаатлар билан ишлаш йўналиши.**

2022 йил 1 январдан 30 июнга қадар Марказий сайлов комиссиясига жами 187 та мурожаат, шундан 143 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали, 44 таси фуқаролар томонидан бевосита ташкилотнинг ўзига қилинган (33 таси ёзма мурожаат, 8 таси оғзаки ва 3 таси эса Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали) мурожаатлар ўз вақтида кўриб чиқилди.

187 та мурожаатдан 17 та мурожаат муаллифига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда Сайлов кодексининг тегишли моддалари юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилган. 161 та мурожаат “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ мазмунан кўриб чиқишга ваколатли бўлган ташкилотларга тааллуқлилиги бўйича юборилган. МСКга бевосита тааллуқли бўлган битта мурожаат ижобий ҳал этилди, 8 та мурожаат муаллифининг илтимосига биноан ҳамда такрорий мурожаатида янги ҳолат келтириб ўтилмаганлиги сабабли мурожаатни кўриб чиқиш тугатилган. Ҳозирга қадар бирорта ҳам мурожаат рад этилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раҳбарияти ва аъзолари томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш жадвали ишлаб чиқилиб, мазкур жадвал асосида МСК раҳбарияти ва аъзолари, Котибият ходимлари томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларининг қабули ўтказилмоқда.